

# Ақийда дарслари (194-дарс). Аллоҳ таоло инсонни энг яхши ҳолатда яратган



19:00 / 08.08.2022 3967

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Тийн сурасида шундай марҳамат қилади:

مِ يَوْمَ نَسُفُكُ أَيَفَنَ نَاسِنِإِلَ انْقَلَحَ دَقْل

«**Батаҳқиқ, инсонни энг гўзал тузилишда яратдик**», деган (4-оят).

Аллоҳ инсоннинг жасадини ҳам, ақлини ҳам, руҳини ҳам энг яхши ҳолатда яратгани ҳаммага маълум. Бундан инсон қурт-қумурсқалардан ривожланиб келиб, маймунга, маймундан одамга айлангани каби сафсаталарнинг ёлғон экани келиб чиқади.

Аллоҳ таоло Инфитор сурасида:

مِ يَرْكُلُ لَ لِّبَرَبِ كَرَعِ امُ نَاسِنِإِلَ اهُيَ أَي  
كَلَدَعَفَ كَأَوْسَفَ كَقَلَحَ يَدُّلَ

«**Эй инсон! Карамли Роббинг хусусида сени нима алдаб қўйди?! У сени яратди, тўла-тўкис ва мўътадил қилди**», деган (6-7-оятлар).

Аллоҳ таоло инсонни тўла-тўкис қилиб яратиши уни нуқсонсиз қилиб, ўзига керак бўлган ҳамма аъзолар билан таъминлаб яратишидир.

Дарҳақиқат, инсоннинг тузилишига, унинг аъзоларига диққат билан назар солган ҳар бир шахс бу маънони дарҳол фаҳмлаб етади.

Бу масалани яхшилаб ўрганган мутахассислар эса инсон вужудида инсон ақли бовар қилмайдиган тўла-тўқислик борлигини тушуниб етиб, Аллоҳга иймон келтирадилар.

Инсоннинг қон айланиши, кўриши, ҳид билиши, фикрлаши, асаби, хотираси ва бошқа томонларини ўрганганлар эса мазкур нарсалардаги тўла-тўқислик ва мутаносибликни кўриб ҳайратга тушади. Шунинг учун ҳам инсонни ўрганиш бўйича АҚШдаги катта илмий марказга қирқ йилдан ортиқ раҳбарлик қилган, дунёнинг энг катта илмий мукофотларини олган киши ҳам «Инсон мажҳулдир»[1] номли китоб ёзди.

Инсоннинг Аллоҳ таоло томонидан мўътадил қомат ва аъзолар ила яратилганлиги ҳақида гапиришнинг ўзи умуман ортиқча иш.

Инсоннинг дунёга келиши ҳақидаги Қуръони Каримда келган маълумотлардан бошқа барча маълумотлар сувнинг устидаги пуфак каби йўқолиб, ўша фикрларнинг соҳиблари қораланиб келмоқда. Илм ривожланган сари инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги Қуръони Карим ҳақиқатлари яна ҳам таъкидланиб бормоқда.

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**